

## FEATURES OF DISTANCE LEARNING

(On the example of public education and preschool education)

Dustnazarova Nargiza Gaybullaevna

Saykhunabad district of Syrdarya region 34th secondary school practicing psychologist

---

### ABSTRACT

The article examines the features of distance education, its use in the system of public education and preschool education, its positive and problematic aspects, the history of distance education, the opinions of domestic and foreign scientists.

**Keywords:** *distance learning, multimedia, e-textbooks, zoom program, website, internet traffic, communication, textbooks.*

### INTRODUCTION

И.А.Каримовнинг замон ўзгариши билан ҳар биримиздунёқарашимиз, онгу тафаккуримизни, сиёсий ва ҳуқуқий савиямизни оқсалтириш, ён-атрофимизда бўлаётган воқеаларга дахлдорлик туйғусиниянада кучайтиришни, содда қилиб айтганда, бу гўзал ва бетакрор юрт – мен учун ягона Ватан, унинг бошидан кечираётган қувонч ваташвишлари – менинг қувонч ва ташвишларим, деб, шундай ҳиссиёт билан яшашни талаб қилади.

Шу борада менинг энг катта умидим ва ишончим – мана шумухташам майдонга чирой бериб ўтирган сиз азиз фарзандларимда, сизнинг тимсолингизда бугун қувватга тўлиб, ҳеч кимдан камбўлмайман, деб, замонавий билим ва тажрибаларни эгаллашга белбоғлаган, тобора ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга кириб келаётган ёшавлодда, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бундай авлодни ҳеч қачоненгиб бўлмайди. Ишончим комил, кўпни кўрган, бошидан кўп синовларни ўтказган халқимиз чуқур англайдик, бундай юксак вазифалар ва олижаноб орзуниятларимизни амалга ошириш учун юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, осуда ҳаётимизни кўз қорачиғидек асраш, жамиятимиздаги миллатлар ва динлараро тотувлик ва бағрикенгликни янада мустаҳкамлашимиз даркор.[1]

.Ҳозирги кунга келиб, ривожланиш шундай тез суръатлар билан амалга оширилмоқдаки, кечаги кунда мумкин бўлмаган нарсалар бугунги кунда ҳаётимизнинг ажралмас таркибий қисми бўлиб қолмоқда.

Буларга асосий сабаблар – глобаллашув жараёнининг тезлашуви, иқтисодийнинг эса виртуаллашуви деб кўрсатсак, янглишмаган бўлаемиз.

Коронавирус пандемияси бутун дунёда таълим олиш тарзини ўзгартириб юборди.

Минглаб ўқувчи, талабалар ва мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчилари, уйдан туриб ўқишни давом эттиришга мажбур бўлдилар.

### MAIN PART

Кечагина синф хоналарида ўтилган дарсларнинг тўсатдан онлайн платформага кўчгани таълим берувчи устозлар учун ҳам катта тажриба-синов мактаби бўлди.

Эндиликда эса таълим тизимида таълим олишнинг анъанавий шакллари ўрнига масофавий таълим элементлари кириб келди.

Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари воситаларини таълим жараёнига кириб келиши анъанавий ўқитиш усулларига қўшимча равишда янги ўқитиш шакли - масофавий ўқитиш яратилишига омил бўлди.

Масофавий таълимда ўқувчи ва ўқитувчи фазовий бир-бирдан ажралган ҳолда ўзаро махсус яратилган ўқув курслари, назорат шакллари, электрон алоқа ва интернетнинг бошқа технологиялари ёрдамида доимий мулоқотда бўлмоқдалар[2].

Интернет технологиясини қўллашга асосланган масофавий ўқитиш жаҳон ахборот таълим тармоғига кириш имконини беради.

Интеграция ва ўзаро алоқа тамойилига эга бўлган муҳим бир туркум янги функцияларни бажаради.

Масофавий ўқитиш барча таълим олиш истаги бўлганларга ўз малакасини узлуксиз ошириш имконини яратади.

Бундай ўқитиш жараёнида ўқувчи интерактив режимда мустақил ўқув-услубий материалларни ўзлаштиради, назоратдан ўтади.

Ўқитувчининг бевосита раҳбарлигида назорат ишларини бажаради ва гуруҳдаги бошқа «вертикал ўқув гуруҳи» ўқувчилари билан мулоқотда бўлади.

Масофавий таълим услуги ўқитишнинг янгича замонавий шакли бўлиб, ўқувчининг мустақил фикрлаш, ҳолатни баҳолаш, хулоса қилиш қобилиятларини ривожлантиради.

Мустақил билим олишга, изланишга, фикрлашга ўргатади.

Масофавий таълимнинг афзаллиги шундаки, унда ҳар ким ўзига қулай вақтда, қулай жойда, қулай муҳитда билим олиши мумкин.

Шу туфайли ушбу тизим бугунги кунда дунёда кенг оммалашмоқда.

Масофавий таълим – энг яхши анъанавий ва инновацион методлар, ўқитиш воситалари ва формаларини ўз ичига олган сиртқи ва кундузги таълим сингари ахборот ва телекоммуникация технологияларига асосланган таълим формасидир[3].

Масофавий таълим- таълим олувчига маълум стандартлар ва таълим қонун-қоидалари асосида ўқув шарт-шароитлари ва ўқитувчи билан мулоқотни таъминлаб бериб, ўқувчидан кўпроқ мустақил равишда шуғулланишни талаб қилувчи тизимдир.

Бунда, ўқиш жараёни таълим олувчини қайси вақтда ва қайси жойда бўлишига боғлиқ эмас.

Масофавий таълим – масофадан туриб ўқув ахборотларини алмашувчи воситаларга асосланган, ўқитувчи махсус ахборот муҳит ёрдамида, аҳолининг барча қатламлари ва чет эллик таълим олувчиларга таълим хизматларини кўрсатувчи таълим мажмуасидир.

Масофавий ўқитиш тизими – масофавий ўқитиш шартлари асосида ташкил этиладиган ўқитиш тизими ҳисобланиб, барча таълим тизимлари сингари ўзининг таркибий мақсади, мазмуни, усуллари, воситалари ва ташкилий шаклларига эга.

Нима учун масофавий таълим керак бўлиб қолди? – деган савол туғилиши табиий. Бу саволга жавоб тариқасида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- Таълим олишда янги имкониятлар (таълим олишнинг арзонлиги, вақт ва жойга боғлиқмаслиги ва бошқалар).
- Таълим масканларига ўқувчи қабул қилиш сонининг чекланганлиги.
- Таълим олишнинг ҳождовчилар сонининг ошиши.
- Сифатли ахборот технологияларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши.
- Халқаро интеграциянинг кучайиши.

Юқоридасанабўтилган шароит ва имкониятлар масофавий ўқитишга эҳтиёжборлигини кўрсатади.

Масофавий ўқитишнинг таълим тизимида бир-  
биридан фарқланувчи модел ва шакллар мавжуд бўлиб,  
улар қуйидаги қўлланниш шартлари билан фарқланади:

- географик шартлар (масалан, мамлакат территорияси, марказдан узоқликда жойлашуви, иқлими);
- мамлакатнинг ахборотлашуви ва компьютерлаштириш мумий даражаси;
- коммуникация ва транспорт воситаларининг ривожланиш даражаси; - таълим жараёнида ахборот ва коммуникация технологияларининг қўлланиш даражаси;
- таълимда қўлланиладиган наъналари; - масофавий ўқитиш тизими учун илмий педагог кадрлар мавжудлиги ва уларнинг салоҳияти ва бошқалар [4].

Масофавий таълимнинг ўзига хос ижобий томонлари сифатида ўқув жараёнининг мақсади, мазмуни, услублари, ўқитиш воситалари ва интернет технологиялари ёрдамида тингловчи ҳамда ўқитувчиларнинг масофадан туриб, интерфаол мулоқот қилиш жараёни ҳисобланганлиги.

Масофавий таълимнинг ташкилий-иқтисодий афзалликлари ҳам мавжуд бўлиб, масалан, ўқитиш учун сифлар, доскалар, столлар ва бошқа ўқув қуроллари зарур эмас.

Молиявий харажатларасан ўқув-услугий материаллар тайёрлаш ҳамда интернет трафик учун сарфланади. Табиийки бу тизим самарасида харажатлар камаяди.

Ўқув-услугий материаллар қанчалик тушунарли ва батафсил бўлса, шунчалик ўқувчига фойдали бўлиш жиҳатлари тушунилади.

Масофавий таълим учун нималар зарур?

Бу ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги онлайн дарс жараёнидир. Бундай дарслар учун аввало коммуникация, масофавий таълим услубий материаллари, электрон ва одатдаги дарсликлар, аудио ва видео дарсликлар, онлайн дарслар (интернет саҳифа) электрон кутубхоналар, тестлар, мультимедиа электрон дарсликлар ва, албатта, интернетга уланган компьютер керак бўлади.

Бундай таълимда ўқувчи ҳар куни мактабга ва мактабгача таълим ташкилотига бориши шарт эмас.

Шу билан бирга бу тизим воситасида саломатлиги чекланганлар, узоқ ҳудудларда яшовчи болалар, ҳатто маҳкумлар билан бирга бўлиб турган болалар ҳам таълим олиши мумкин [3].

Катталарга эса масофавий таълимда ўз меҳнат фаолиятидан ажралмаган ҳолда таълим олиш ва малака оширишларига имконият яратилади.

Бундан ташқари, масофадан туриб ўқиганда бир неча курсларда бир вақтнинг ўзида таълим олиш имкони мавжуд.

Тадқиқотларда аниқланишича масофавий таълим анъанавий таълимдан асло қолишмайди. Балки самарасига кўра устунлик жиҳатлари ҳам бор.

Негаки, ўқув материалининг асосий қисмини ўқувчи ўзи мустақил ўқиб-ўрганади.

Бу ўтилган мавзуларни пухта ўзлаштириш ва эслаб қолишга ёрдам беради. Бунинг устига дарсларнинг технологиялар воситасида ўқиш бола учун қизиқарли ва мазмунли бўлади.

Бундай таълим тизимида дарсликлар, қўлланмалар етишмаслиги каби муаммолар бўлмайди.

Ўқувчи ўқув материални электрон почта ёки ижтимоий тармоқ орқали қабул қилиб олади.

Шу билан бирга маълум сайтларга обуна бўлиши, маълумотлар базасига кириб, ўзига керакли ахборотларни олиш мумкин [5].

Масофавий таълимнинг яна бирафзаллиги унинг арзонлигидир.

Жумладан ўқишга бориш-келишга, транспортга пул сарфланмайди. Чет элдаўқишчунэса виза вахорижийпаспорт ҳамталабқилинмайди.

Масофаданўқитишдаўқувчиларнибаҳолаш онлайн-тестларёрдамадамалгаоширилади.

Шу сабабли ўқувчиларда имтихон пайтидаги ҳавотир ва ҳаяжон кузатилмайди.

Бундай ўқитиш жараёнининг ўқитувчи учун фойдали жиҳати шуки, масофадан туриб педагогик фаолият олиб бориш воситасида нисбатан кўп ўқувчиларга эътибор қаратиши мумкин.

Ўқитувчи дам олишёки декрет таътилидабўлганидаҳамбемалолфаолиятинидавомэттираолади[6].

Масофавий таълимнинг муаммолижиҳатлари:

Муаммоли жиҳати шундаки, бундай жараёнда ўқувчи барча материални мустақил тарзда ўқиб-ўрганиши керак.

## CONCLUSION

Шунингучунундан ирода кучи, масъулиятваўз-ўзининазоратқилишталабэтилади.

Шу билан бирга масофадантурибўқитилгандаўқитувчи ваўқувчиўртасидабевоситамулоқотбўлмайди.

Шунингучундоимийтарздабундайтизимдаўқиганўқувчикўпчиликорасидафикринибемалолифода лашгақийналишимумкин.

Бунданташқари, онлайн ўқитишдаўқувчинингуйвазифалариниўзечгани, мустақилишлаганинианиқлашқийин.

Шунинг учун масофавий таълим тизимидаги мактабларда якуний имтихонларда ўқувчи шахсан ўзи келиб, синов имтихонларини топшириши белгиланган.

Чекка ҳудудларда интернет тезлиги яхши бўлмаслиги ҳамда айрим болаларнинг интернетдан фойдаланиш кўникмалари етарли эмаслиги бундай таълим жараёнининг самарали бўлишига ҳалал беради[7].

Юқоридагиларниҳулосақилибшуниайтишмумкинки, масофавийтаълимэлементларинитаълиммуассасаларигажорийэтилишиҳартомонламафойдакелтиради.

Айниқса мактабга таълим ташкилотида тарбияланувчи болаларга рангли кўргазмалари куруллари, аудио ва мултимедиа материалларидан фойдаланиш қизиқарли ҳамда юқори самара беради

## REFERENCES

1. I.A.Karimov.Demokratik islohotlarniyanada chuqurlashtirish vafuqarolik jamiyatinishakllantirish — mamlakatimiz taraqqiyotiningasosiy mezonidirToshkent«O‘zbekiston» 2011y.-С.4
2. А. Кенжабоева ва бошқалар. Масофавий ўқитишнинг педагогик асослари. – Термез.: 2011й -С. 90
3. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. – Тошкент.: Фан, 2009 й-С.30.
4. Закирова Ф. ва бошқалар. Электрон ўқув-методик мажмуалар ва таълим ресурсларини яратиш методикаси. -Тошкент: ОЎМТВ. – 2010 й-45
5. Аюпов Т.Х., Аҳмаджонов Х.И., Имомқориева Ш.Р.Самарали таълим бериш усуллари. –Т.: 2003й-169.
6. Holmirzaev, NN. National experience in the formation of working culture. Ekonomika I sotsium, 2019 - elibrary.ru №-4, R.41-42 <https://elibrary.ru/item.asp?id=38594995>

7. Holmirzaev, NN. Eastern and western experience of labor culture. Mirovaya nauka, 2019 - elibrary.ru №-4, R.51-52 <https://elibrary.ru/item.asp?id=38564222>